Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● 1996 йил 17 февраль, шанба ● № 14 (10.789) ● Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

## АНИҚ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*ШУ йил 14 февраль куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари, вилоят бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари иштирок этдилар.*

*Йиғилишда вилоят ҳокими Эркин Рўзиев «Тошкент вилоятини 1995 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислоҳотлар боришининг якунлари, ҳамда 1996 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда навбатдаги вазифалар тўғрисида» маъруза қилди.*

— Муҳим воқеаларга бой бўлган 1995 йил республикамиз каби вилоятимиз иқтисодий ҳаётида Президентимиз кўрсатиб берган бозор муносабатларига ўтиш тамойилларини амалга ошириш йўлида ҳам сезиларли из қолдирди, — деди нотиқ, — саноатда ўсиш суръатлари 1994 йилга нисбатан 102,1 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалигида пахта, ғалла, пилла, узум, сабзавот, гўшт тайёрлаш ўсди.

— Айни пайтда, — дея сўзида давом этди ҳоким, — вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши бугунги кун талабларига ҳали тўла жавоб бера олмайди. Кўпгина тармоқларда бу борада сусткашликка йўл қўйилмоқда. Капитал қурилиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, молия ишларини соғломлаштириш борасида жиддий камчиликлар бор. Бу эса вилоят бюджетини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Аҳолига маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатиш талаблар даражасида эмаслиги пул эмиссиясини қисқартириш имконини бермаётир. Бу эса бир қатор хўжаликлар ва ташкилотларда меҳнаткашларга маошларни ўз вақтида беришда мушкуллик туғдирмоқда.

Вилоятнинг 35,7 фоиз корхоналари ишлаб чиқаришни 1667,3 миллион сўмга ёки 21,1 фоизга пасайтиришга йўл қўйдилар. Айрим туманларда қишлоқ хўжалик, чорвачилик тармоқлари бўйича оқсаш яққол сезилди. Оҳангарон, Бўстонлиқ, Бўка, Паркент, Ўртачирчиқ ва Чиноз туманлари давлатга бошоқли дон сотиш режасини уддалай олмадилар.

Фермаларда насл олиш ва подани қайта тиклашдаги лоқайдлик, чорва қишловига пухта ҳозирлик кўрилмагани туфайли хусусийлаштирилган фермаларда моллар бош сони камайиб кетди.

Корхоналар ташкилотлар орасидаги маҳсулотлар савдоси муносабатида ҳам аҳвол яхши эмас. Бу борада жиддий камчиликларга йўл қўйилгани туфайли дебитор, кредитор қарзлар кўпайди, вилоятда ўтган йили ижтимоий соҳага ҳам етарли эътибор берилмади, айниқса, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, физкультура ва спорт муассасаларининг аҳволи талабга жавоб бермайди.

Йиғилишда ана шу камчиликларни бартараф этиш ва 1996 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди. Бу мақсадда барча шаҳар ва туманларда ҳокимликлар, концернлар, уюшмалар, бирлашма ва корхоналар, хўжаликлар ва ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ўтган йилги иш натижаларини чуқур таҳлил этишлари, тегишли хулосалар чиқаришлари, қишлоқни ижтимоий ривожлантириш, турмуш маданиятини юксалтиришга, аҳолини ичимлик суви, хонадонларни газ билан таъминлашга жиддий эътибор беришлари лозимлиги қайд қилинди.

Йиғилишда маъруза юзасидан сўзга чиққан вилоят молия бошқармаси бошлиғи Б. Ҳосилов, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг бошлиғи, вилоят ҳокимининг муовини В. Лозицкий, Ангрен шаҳар ҳокими Т. Анорбоев, Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директорининг биринчи ўринбосари Ш. Шоисломовлар 1995 йилда ўз тизимлари, шаҳар ва туманларда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан қилинган ишлар якуни, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш ва ислоҳотларнинг иккинчи босқичини рўёбга чиқариш бўйича 1996 йилда белгилаб олинган вазифалар хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари-истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитасининг раиси Ў. Исмоилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

## ТУМАН КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

*1996 ЙИЛ 15 февраль куни халқ депутатлари Тошкент тумани кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.*

Рустам Акбаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Сессияда илгари Қибрай тумани ҳокими бўлиб ишлаб келган Акбарали Йўлчиев Тошкент тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессия ишида Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев сўзга чиқди.

## ОМОНАТЧИ МАМНУН

Куни-кеча матбуотда Республика Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги фармонини бажариш чора-тадбирлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди. Унга кўра 1992 — 95 йилларда нархлар ошгани ҳисобга олиниб, аҳолининг омонатлари ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағлари харид қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида уларни индексациялаш миқдори тўрт минг баравар қилиб белгиланди.

— Президентимизнинг фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори юртимизда ижтимоий адолатни қарор топтириш, одамларнинг банк муассасаларига ишончини мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди, — дейди Ўзбекистон халқ банки Ангрен шаҳар бўлими бошқарувчиси Э. Ҳайдаров. — Бундан мамнун бўлган аҳоли «эски» омонатлари юзасидан бўлимимизга тез-тез мурожаат қила бошлагани табиий, албатта. Бугунги кунда ҳамшаҳарларимиздан салкам етмиш минг киши бизнинг беминнат хизматимиздан фойдаланмоқда. Февраль ойининг иккинчи ярмидан эса фуқароларга кўрсатиб ўтилган омонатлар бўйича махсус «индексация» счётлари очилади ва индексация қилинган суммага омонат дафтарчалари берила бошлайди. Шаҳарда халқ банкининг 21 шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Банк тизимини халққа янада яқинлаштириш мақсадида маҳаллаларда яна олтита шундай шохобча очилмоқда. Аксарият маош, пенсия ва нафақалар шу ерда берилаётир. Омонатларнинг эса ўн тўрт тури мавжуд. Баъзан нақд пул танқчил бўлаётган шароитда аҳоли ўз маоши ёки пенсияси, шунингдек, омонатлари ҳисобидан турли тўловларни нақд пулсиз амалга ошириши мумкин. Бу эса уларга анча қулайлик туғдирмоқда.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## АХБОРОТ МАРКАЗИ: НАВБАТДАГИ МУЛОҚОТ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида ташкил этилган ахборот маркази ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Марказда ташкил этилаётган мулоқотлар оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение ходимларига мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларни чуқурроқ мушоҳада этишда катта фойда бермоқда.*

КУНИ кеча ахборот марказида навбатдаги мулоқот бўлиб ўтди. Унда республика Меҳнат вазири Оқилжон Обидов ҳамда вазирлик мутахассислари яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодекси тўғрисида»ги янги қонуннинг моҳияти, ўзига хос жиҳатларини шарҳлаб бердилар.

Йиғилишда шу йилнинг 1 апрелидан кучга кирадиган ушбу қонун бозор муносабатларига ўтилаётган жараёнда республика меҳнаткашларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш, иш берувчи ва ишловчи ўртасидаги шартномага доир масалаларнинг янада такомиллаштирилганлиги билан ҳам характерлидир. Шуни айтиш керакки, бу борада республикада олиб борилаётган тадбирлар ривожланган мамлакатларнинг экспертлари томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда. Чунки ушбу қонунда ишсизликнинг олдини олиш, вақтинча ишсизларни иш билан банд этиш ва уларни янги касбга йўналтириш каби масалаларга алоҳида ўрин берилган.

Учрашувда Оқилжон Обидов ва вазирлик мутахассислари журналист-шарҳловчиларнинг янги қонун билан боғлиқ масалалар юзасидан берган қатор саволларига жавоб бердилар.

***Ҳусан СУЛАЙМОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» шарҳловчиси.***

## ЭЪТИБОР КУНДА КЕРАК

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг жойлардаги бўлимлари бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги вақтда аҳолининг эҳтиёжманд табақаларини ижтимоий ҳимоялашга кўмаклашиш борасидаги ишларни авж олдирмоқда. Бу хайрли ишлар тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Жамғарма хорижий мамлакатларнинг жамоат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорликни кенгайтирмоқда. АҚШнинг «Вижн интернейшнл» жамоат ташкилоти, Жанубий Кореянинг «Осиё маданияти ва тараққиёти институти»нинг Тошкентдаги ваколатхоналари шулар жумласидандир. «Вижн интернейшнл» кўз касалликлари касалхонасининг малакали мутахассислари иштирокида икки юз элликка яқин беморга бепул тиббий хизмат кўрсатилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ**
**ЎзА мухбири.**

## НАВРЎЗ АРАФАСИДА

*Вилоятимиз шаҳар ва туманларида Наврўз байрамига тайёргарлик ишлари қизғин бошланиб кетди. Ўртачирчиқ туманида катта маданий-маърифий ишлар билан биргаликда қурилиш, ободонлаштириш тадбирларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.*

ХУСУСАН, бизга Наврўз байрами арафасида Охунбобоев номли, «Ҳақиқат» жамоа хўжаликларида янги «Дока-хлеб» корхоналари ишга туширилишини маълум қилишди. Бу корхоналарнинг ҳар бирида 7 киши меҳнат қилади. «Янги тўлқин» жамоа хўжалигида қуриб битказилаётган «Маиший хизмат» комбинати диққатга сазовор. Бу объект ишга тушгач, жамоа меҳнаткашлари сартарошхона, пойабзал тикиш, кийимларни кимёвий усулда тозалаш, радио, телевизор, совутгичларни шу ернинг ўзида таъмирлаш хизматидан фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, хўжаликда ташкил этилаётган шлакоблок тайёрлаш цехи уй-жой қурувчиларга қурилиш материаллари етказиб беради. Акмал Икромов номли жамоа хўжалигидаги 10 киши ишлайдиган кичик тўқув цехи маҳсулотлари ҳам ҳамқишлоқларига манзур бўлса керак.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Энг муҳими уларни санашда эмас, балки қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва ободонлаштириш ишларининг ривожланиб бораётганлигидадир.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ: воқеалар, хабарлар, янгиликлар



## ЧИРЧИҚДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАММА ШАҲАРЛАРИГА

Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар корхонаси шу тармоқ бўйича энг қудратли корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда электр лампочкалари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди. Корхона келгуси йилиёқ тўла қувват билан ишлаб, 40 миллионтагача лампочкалар тайёрлайдиган бўлади. Ҳозир унинг маҳсулотлари фирма дўконлари орқали сотилмоқда. Бундай дўконлар яқин келажакда республиканинг деярли ҳамма вилоятларида очилади.



***Суртларда: электр лампочкаларни йиғиш линияси; тайёр маҳсулот сифатини назоратчи Кабира Қолбоева (чапда) ва йиғув цехи бошлиғининг ўринбосари Татьяна Хлебникова кўздан кечирмоқдалар.***

***Равшан НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.***

## БИЗ ТОМОНЛАРГА ҲАМ БИР КЕЛИНГ...

*Ушбу сарлавҳани ўқиб ажабланманг. Йил сайин вилоятимиздаги шаҳар, туман марказлари, қишлоқ ва қўрғонлар ободонлашиб, ўзига хос ва мос қўримга эга бўлмоқда.*

Эътибор беринг, биргина 1995 йилда вилоятда 114 дан ортиқ савдо нуқталари ва маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган биноларга эга бўлган автобекатлар, 300 дан ортиқ замонавий дўконлар бунёд этилди. 15 та деҳқон бозорлари қайта таъмирланиб, кенгайтирилди. Бугун Бўка, Чиноз, Олмалиқ бозорларида бўлсангиз шарқона услубда безалган бинолар кўзингизни қувнатади.

Вилоят ҳокимлиги 1996 йилда бу тадбирларни янада кенгайтиришни асосий масалалардан бири қилиб қўйди. Яқинда вилоят шаҳар қурилиши ва архитектура бош бошқармаси шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва қўрғонларда қурилиш ишларини ривожлантириш, янги кўчалар, объектлар, коммуникация иншоотларини барпо этиш юзасидан кўрик-танлов эълон қилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ унда иштирок этувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги арафасида шаҳар ва қишлоқларда жуда кўплаб маиший хизмат кўрсатиш объектлари, дўконлар ва маҳалла гузарлари ишга тушишини маълум қилишди.

Ана шунинг учун ҳам биз бугун бизнинг қишлоққа ҳам бир келиб кетинг, демоқчимиз.

## ЭНДИ «АЛЛО»НИ БИР МАРТА АЙТАСИЗ

*Яширишнинг ҳожати йўқ. Алоқа хизматидаги муаммолар бизга иттифоқ давридан мерос қолган. Бундан вилоятимиздаги шаҳар ва туманлар ҳам мустасно эмас эди, албатта. Лекин яқин йилларда телефон алоқа хизмати мижозлари «алло»ни илгаригидек ўн-ўн беш марта эмас, бир марта айтиб асосий мавзуга кўчишлари мумкин.*

БУНДАЙ дейишимизга асос бор. Ўтган йили Чирчиқ шаҳрида олмонлар билан янги алоқа станциясини ишга тушириш юзасидан ҳаракатлар бошлаб юборилди. Куни кеча бизга Ангрен, Олмалиқ, Бекобод, Янгийўл, Оққўрғон, Паркент ва Янгийўл шаҳар ва туманларида ҳам телефон алоқа хизматини такомиллаштириш юзасидан ҳаракат бошланганлигини маълум қилишди. Вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Жанубий Кореянинг «Дэу-Телеком ЛТД» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этиладиган телефон станцияси бирйўла 45 минг мижозга хизмат қилади. Айни кунларда ана шу шартномани имзолаш ва ишларни бошлаб юбориш юзасидан музокаралар ниҳоясига етмоқда.

## ЯНА 25 ТАСИ ИШ БОШЛАЙДИ

*ШАҲАР ва туманларда аҳолига савдо хизмати маданиятини кўтариш, дўконларни энг зарур озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга эътибор кучайиб бормоқда. Бу яхши. Лекин керакли нарсани битта дўконнинг ўзидан харид қилиб қайтганга нима етсин.*

Бу борада жойларда очилаётган «Супермаркет» дўконлари жуда қўл келяпти. Ўтган 1995 йилда вилоятда 25 та ана шундай дўконлар барпо этилган эди.

Бу иш 1996 йилда яна давом эттирилмоқда. Яқин келажакда шаҳарларда 8 та, қишлоқ туманларида 17 та ана шундай супермаркет дўконлари иш бошлайди. Шуниси диққатга сазоворки, 2 та супермаркетни хусусий тадбиркорлар бунёд этишмоқда.

## ТЕЛЕВИЗОР, КЎЙЛАК, ПЛЕНКА, ТИШ ПАСТАСИ ВА БОШҚАЛАР...

*Ҳа ажабланманг. Илгари шу сингари ўттиздан ортиқ истеъмол моллари Олмалиқ шаҳрида чиқади, дейишса, ишониш қийин эди. Бугун эса шундай.*

БИРГИНА республикадаги йирик Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бугун телевизордан тортиб, эмалли симлар, полиэтилен пленкалари, пайпоқлар ва бошқа ўнлаб истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги маиший кимё заводида болгарлар билан очилган корхонада тайёрланаётган тиш пасталари ҳам бозорларимизга дадил кириб бормоқда.

Ўтган 1995 йилда «Тафтинг» акционерлик жамиятида покистонликлар билан биргаликда ташкил этилган «Бўстон Глобал ЛТД» корхонасида 629 минг сўмлик эркаклар кўйлаклари ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотга ҳам харидорлар бисёр.

Халқимизда ўзингдан чиққанига нима етсин, деган гап бор. Иқтисодий мустақиллик, тадбиркорлик, ишбилармонликнинг қўллаб-қувватланаётганлиги асосий ишлаб чиқариш билан бирга халқ истеъмоли моллари тайёрлашга ҳам кенг йўл очди. Вилоятда ҳозир 300 дан ортиқ кичик корхона, линия ва цехлар истеъмол бозори учун ишламоқда.

